

## АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ЎРНАТИЛГАН ГАЗ УСКУНАЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

«KAFOLAT sug`urta kompaniyasi» AJ – Автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ ускуналарини суғурта қилиш қоидаларининг полисни расмийлаштириш санасида амал қилган таҳрири асосида тайёрланган.

Суғурталовчининг реквизитлари: Тўлиқ номланиши:

**«KAFOLAT sug`urta kompaniyasi» Aksiyadorlik jamiyati**

Почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси 13А-уй. Электрон почта манзили (расмий Интернет-ресурс/электрон почта):  
**www.kafolat.uz, info@kafolat.uz**

Давлат рўйхатига олиш тўғрисида маълумот:

Компания Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, реестр рақами 999.

Лицензия тўғрисида маълумот:

Лицензия: №960718 серияли, Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2025 йил 13 августда берилган.

Ушбу Оммавий оферта (кейинги ўринларда – “Оферта”) «KAFOLAT sug`urta kompaniyasi» AJ (кейинги ўринларда – Суғурталовчи) томонидан ноаниқ жисмоний шахслар доирасига (кейинги ўринларда Суғурта қилдирувчи) куйидаги шартларда, Суғурталовчининг ахборот тизимлари орқали транспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасини суғурта қилиш тўғрисидаги шартномани (кейинги ўринларда – суғурта Шартномаси) тузиш тўғрисида қилинган таклифидир. Шартноманинг Томонлари бўлиб Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ҳисобланадилар.

Ушбу Оферта шартларини қабул қилиш ва белгиланган суғурта мукофотини тўлаш унинг шартларини акцептлаш ва суғурта Шартномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчининг розилиги ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги тасдиқлангандан сўнг, унга электрон почта орқали суғурта полисининг электрон ҳужжати юборилади ва суғурта Шартномаси тузилган ҳисобланади.

Ушбу Оферта шартларига мувофиқ ушбу Офертада кўрсатилган қалтисликлардан бевосита суғурта ҳодисасининг юз бериши натижасида Суғурта қилдирувчининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган, автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ ускуналарига зарар етиши билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлар суғурталаш объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу Оферта шартларини сўзсиз қабул қилиш (акцептлаш) Оферта шартларини Қабул қилиш деб ҳисобланади, ва бу билан куйидагиларга розилик билдирилади:

- ушбу Оферта шартлари, шу жумладан унда кўрсатилган суғурта қилиш шартлари;

- аризани тўлдиришда кўрсатилган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш учун, шу жумладан йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш, эгасизлантириш, блокировка қилиш, йўқ қилиш (йўқ қилиш тўғрисида хабар бермасдан), автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган усулда ишлов бериш орқали 1 йил муддатга суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида, шунингдек суғурта Шартномасини бажариш мақсадида, ички иш юритишни учинчи шахсларга топшириш.

Ушбу Оферта шартларида Суғурталовчи билан суғурта Шартномасини тузган муомалага лаёқатли жисмоний шахслар, Ўзбекистон фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшайдиган чет эл фуқаролари Суғурта қилдирувчи бўлиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи ўз ҳуқуқи ва муомала лаёқатини тасдиқлайди, шунингдек Суғурталовчининг Интернет-ресурси орқали суғурта Шартномасини тузиш натижасида

ўзига юклатилган мажбуриятлар учун жавобгарликни англайди.

Суғурталовчининг Интернет-ресурсида суғурта Шартномасини онлайн режимида тузиш учун Суғурта қилдирувчи электрон почта манзили ва мобил телефон рақамига эга бўлиши шарт.

Суғурталаш учун ариза бўлиб Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг Интернет-ресурсида суғурта Шартномасини тузиш учун зарур ва аҳамиятли бўлган барча маълумотларни киритиш ҳисобланади.

Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддаси талабларига мувофиқ Суғурта қилдирувчи ва суғурта Шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари хавфсизлигини ва ошкор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Кейинги ўринларда матнда келтирилган “Оферта”, “Суғурта шартномаси” ва “Суғурта полиси” ҳаволалари ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил маънога эга.

## I. Умумий қоидалар.

**1.1.** Мазкур суғурта қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, «Суғурта фаолияти тўғрисида» ги Қонуни ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ ускуналари суғурта қилиш шартларини белгилайди.

**1.2.** Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолиятининг субъектлари ҳисобланади. Суғурталовчилар, суғурта воситачилари, аджастерлар, актуарийлар, суғурта сюрвейерлари, шунингдек, ассистанс суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларидир.

**1.3.** Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган автотранспорт воситаларига ўрнатилган газ ускуналарига зарар етиши билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлар суғурталаш объекти ҳисобланади.

## II. Асосий тушунча ва атамалар.

Ушбу қоидаларда ишлатиладиган айрим атамалар куйидаги маънони беради:

**Суғурталовчи** – Суғурта шартномасига асосан белгиланган ҳолатлар рўй берганда суғурта товонини тўлаш мажбуриятини олган юридик шахс - «KAFOLAT sug'urta kompaniyasi» AJ.

**Суғурта қилдирувчи**–суғурта шартномасига биноан, ўзининг ёки учинчи томоннинг мулкый манфаатини суғурта қилдирувчи жисмоний ёки юридик шахс. Суғурта шартномасига асосан, Суғурта қилдирувчи зиммасига ҳисобланган суғурта мукофотини (бадалини) Суғурталовчига тўлаш юклатилади.

**Наф олувчи** – суғурта шартномасида/полисида Суғурта қилдирувчи томонидан кўрсатилган ва суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахс. Агар суғурта шартномасида/полисида Наф олувчи кўрсатилмаган бўлса, Суғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда суғурта товони унинг қонуний меросхўрларига тўланади.

**Суғурта шартномаси/полиси** – ёзма тарздаги юридик ҳужжат бўлиб, унга кўра Суғурталовчи суғурта шартномасида кўзда тутилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчи /Наф олувчи ёки товон олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсга суғурта қопламасини (суғурта пулини) тўлаш мажбуриятини олади. Суғурта қилдирувчи эса ҳисобланган суғурта мукофоти (бадали) ни суғурта шартномасида белгиланган миқдорда, муддатда ва тартибда тўлаш мажбуриятини олади.

**Суғурта ҳодисаси** – суғурта шартномасида кўзда тутилган таваккалчиликлар натижасида Суғурталовчининг суғурта қопламасини тўлашини тақозо этувчи амалда содир бўлган суғурта воқеаси.

**Суғурта суммаси (пули)** – Суғурталовчининг Офертага мувофиқ Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи олдидаги мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ифодаловчи суммаси.

**Суғурта қопламаси** – суғурта шартномасига мувофиқ суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта суммаси (пули) доирасидаги Суғурта қилдирувчи (Наф олувчи)га тўланадиган пул маблағлари суммаси.

**Суғурта тарифи** – суғурта пулига нисбатан суғурта мукофоти(бадали)ни аниқлаш нормативи. Суғурта пулининг ҳажмига нисбатан мутлақ пул кўринишида ёки суғурта пулидан фоиз ҳисобида белгиланади.

**Суғурта мукофоти (бадали)** – суғурта учун тўланадиган ҳақ бўлиб, Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномасида белгиланган муддат ва тартибда Суғурталовчига тўланадиган маблағ.

**Суғурта полиси** – суғурта шартномаси тузилганлигини ва ушбу Қоидаларнинг шартларига кўра Суғурталовчининг суғурта қопламасини тўлаш бўйича мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

**Автотранспорт воситаси** - суғурта шартномасида кўрсатилган автотранспорт воситалари, ўзи юрар машина ва механизмлар.

**Газ ускуналари** - автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ёқилғиси қуйиш учун мўлжалланган жиҳоз.

**Шартсиз франшиза** - суғурта шартномасига мувофиқ Суғурталовчи томонидан ҳар қандай ҳолатда қопланмайдиган Суғурта қилдирувчи зарарларининг маълум бир қисми. Франшиза суғурта пулининг маълум фоизи кўринишида ёки муайян миқдорда белгиланиши мумкин.

**Шартли франшиза** - агар зарар миқдори франшиза миқдоридан кўп бўлмаса, Суғурталовчи зарар учун жавобгарликдан озод бўлади ва агар зарар миқдори франшиза миқдоридан кўп бўлса, суғурта зарари Суғурталовчи томонидан тўлалигича қопланади. Бу ҳолда франшиза мутлақ миқдор сифатида белгиланади.

**Суғурта муддати** – суғурта объектининг суғурта шартномасига асосан суғурта қилинган даври.

**Суғурта ҳудуди** – суғурта шартномасида кўрсатилган ва у амал қиладиган ҳудуд.

### III. Суғурта ҳодисаси.

Мазкур Офертада кўзда тутилган ва суғурта муддатида содир бўлган воқеа суғурта ҳодисаси ҳисобланади. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталовчида Суғурта қилдирувчи(Наф олувчи)га ёки суғурта товонини (суғурта суммасини) олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсга суғурта товонини тўлаш мажбурияти пайдо бўлади.

Қуйидагилар суғурта ҳодисаси ҳисобланади:

**3.1.** Йўл транспорт ҳодисаси (ЙТХ) натижасида автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускуналарига зарар етиши.

**3.2.** Табiiй офатлар, машина ва механизмларнинг, қурилиш материаллари ва қурилмаларнинг, шунингдек учувчи жисмларнинг қулаб тушиши натижасида зарар етиши.

**3.3.** Ёнғин чиқиши натижасида автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускуналарига зарар етиши.

**3.4.** Автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускуналари уларнинг портлаши натижасида зарар етиши.

**3.5.** Учинчи шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускуналарига зарар етказилиши.

### IV. Истиснолар

**4.1.** Қуйидаги ҳолатлар суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

- Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи, унинг вакили ёки автотранспорт воситасидан фойдаланган бошқа шахсларнинг атайлаб содир этган хатти-ҳаракатлари, уларнинг ўз фуқаролик бурчини бажариш ёки Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг ва учинчи шахсларнинг ҳаётини, соғлигини, номуси ва обрўсини ҳимоя қилиш юзасидан қилган

ҳаракатлари бундан мустасно;

- суғурталанган газ ускунасига автотранспорт воситасини спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолатда ёки наркотик ва бошқа маст қилувчи моддалар истеъмоли таъсирида ҳамда автотранспорт воситасини ҳайдаш ҳуқуқи бўлмаган шахслар томонидан бошқарилиши натижасида зарар етказилса;

- автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасининг учинчи шахслар томонидан қонунга зид, қасддан содир этилган ҳаракатлар натижасида ўғирланиши, йўқ қилиниши ёки шикастланиши, агар ушбу ҳодиса тегишли ташкилотларга хабар қилинмаган, шунингдек бу ташкилотлар томонидан ушбу ҳодиса тасдиқланмаган бўлса;

- агар ўғирлик, олиб қочиш ҳолатлари ҳайдовчининг автотранспорт воситасига бўлган эҳтиётсизлиги оқибатида келиб чиқса;

- Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг Суғурталовчига суғурталанган газ ускунасининг шикастланган қисмларни ёки уларнинг қолдиқларини тақдим этишдан бош тортиши, суғурталанган газ ускунасининг буткул йўқ бўлиши бундан мустасно;

- суғурталанган автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасини Суғурталовчини огоҳлантирмасдан бошқа автотранспорт воситасига кўчириб ўтказилса ёки автотранспорт воситасига суғурталанган газ ускунасини бошқа газ ускунаси билан алмаштирилса;

- суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ҳодисаси рўй бергунга қадар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 948 ва 950-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича тўхтатилган бўлса;

Мазкур Офертага асосан автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасига етказилган зарардан ташқари бошқа барча етказилган зарарлар Суғурталовчи томонидан тўланмайди.

**4.2.** Суғурталовчи қуйдаги ҳолларда суғурта қопламасини тўламаслик ҳуқуқига эга:

- Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи Суғурталовчига суғурта ҳодисаси юз бериш сабабларини ўрганишга ёки етказилган зарарлар ҳажмини аниқлашга тўсқинлик қилса;

- газ ускунасидан фойдаланиш қоидаларининг Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи томонидан қўпол равишда бузилиши (уй шароитида ёхуд газ қуйиш шахобчасидан бошқа жойда газ қуйилиши, газ ускунасига белгиланган меъёрдан ортиқ газ юкланиши ва бошқалар)

- газ ускунаси техник кўриқдан ўтмаган ва/ёки газ ускунасига берилган сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган бўлса.

**4.3.** Суғурталовчи қуйидаги ҳолларда суғурта қопламасини тўлашдан озод этилади:

- Ядровий портлаш, радиация ёки радиоактив заҳарланиш таъсири;

- Ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар.

Суғурталовчи суғурталанган мол-мулкнинг давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида кўрилган зарарлар учун суғурта қопламасини тўлашдан озод қилинади.

**4.4.** Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи мазкур суғурта шартномаси бўйича белгиланган ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда Суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича кўрилган зарарни тўламаслик ҳуқуқига эга.

## **V. Суғурта суммаси (пули), суғурта мукофоти ва уни тўлаш тартиби**

**5.1.** Суғурта пули суғурталовчининг мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ифодаловчи суммаси бўлиб, 4 000 000 сўмни ташкил этади. Суғурта мукофоти миқдори 15 000 сўм.

**5.2.** Суғурта шартномаси (полиси) бўйича суғурта мукофотини тўлаш Суғурталовчи томонидан қўлланиладиган электрон тўлов тизимларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади (онлайн);

**5.3.** Тўлов тизимининг ҳимояланган каналига кейинчалик йўналтириш учун

аризани қабул қилишни тасдиқлаш Суғурта қилдирувчи томонидан аризани тўлдиришда кўрсатилган мобил телефон рақамига Суғурталовчи томонидан СМС-хабар юборилиши орқали амалга оширилади;

**5.4.** Тасдиқлаш коди бўлган СМС-хабарни олганидан сўнг, Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши керак, шундан сўнг у танланган тўлов тизимининг веб-сайтига суғурта мукофотининг ҳисобланган миқдорини Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш учун автоматик равишда йўналтирилади;

**5.5.** Суғурта полиси бўйича суғурта мукофотининг тўланганлиги тўғрисидаги тасдиқни олгандан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими автоматик равишда суғурта полисини электрон шаклда расмийлаштиради, уни Суғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига юборади, кейинчалик Суғурта қилдирувчини суғурта полиси серияси ва рақами тўғрисидаги ва суғурта полиси электрон тарзда юборилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган СМС-хабарни юбориш орқали хабардор қилади;

**5.6.** Суғурталовчи тўлов Провайдерининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги, шунингдек Суғурта қилдирувчининг электрон тўлов тизими ва Интернет орқали тўлов билан боғлиқ ҳар қандай зарар ва хавфлари учун жавобгар эмас.

**5.7.** Банк картаси орқали суғурта мукофотини тўлаш тўғридан-тўғри Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи - карта эгаси томонидан амалга оширилиши керак. Суғурта қилдирувчи тўловни амалга ошириш учун банк картасини бошқа шахсга топширган тақдирда, Суғурта қилдирувчи унга боғлиқ барча хавфларни ўз зиммасига олади ва бу ҳолда суғурта мукофотини тўлаш Суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилганлигига розилик билдиради.

**5.8.** Суғурталовчининг ахборот тизимидаги “Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш” тугмачасини босиш билан, шунингдек шаклланган суғурта мукофотини тўлаш орқали Оферта юборилган шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу Оферта шартларига розилик билдиради.

## **VI. Суғурта шартномасини тузиш ва расмийлаштириш тартиби**

**6.1.** Ушбу Оферта Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига сотув ва суғурта хизматларини кўрсатиш шартларини белгилайдиган электрон ҳужжатдир;

**6.2.** Суғурта Шартномаси (суғурта полиси) Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этган маълумотлари асосида шакллантирилади;

**6.3.** Суғурта қилдирувчи электрон аризининг талаб қилинган майдонларини мустақил равишда ва аризада кўрсатилган ҳужжатларнинг аслига мувофиқ равишда тўлдиради;

**6.4.** Суғурта қилдирувчи аризадаги ҳужжатларнинг аслига тўғри ва бир хиллиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, шунингдек, аризадаги ҳужжатлар уларнинг асл нусхаларига тўғри келмаса, суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан бош тортишга ҳақли эканлигига розилик билдиради;

**6.5.** Аризада кўрсатилган ва унга киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари автоматик равишда Суғурта Шартномаси (суғурта полиси)га киритилади;

**6.6.** Офертада таклиф қилинган суғурта шартлари билан рози бўлса, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг ахборот тизимида ўз розилигини тасдиқлайди ва суғурта Шартномасини тузиш тўғрисидаги Аризани (кейинги ўринларда Ариза) онлайн режимда Суғурталовчининг ахборот тизимларидан фойдаланиш орқали тўлдиришга ўтади;

**6.7.** Аризани тўлдиришда суғурта ҳодисасининг содир бўлиш эҳтимоли ва унинг содир бўлишидан кўрилиши мумкин бўлган зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун Суғурталовчи учун аҳамиятли ва зарур бўлган барча маълумотларни кўрсатиш талаб қилинади. Барча маълумотлар ҳужжатларнинг асл нусхаларига қатъий мувофиқ равишда кўрсатилиши шарт;

**6.8.** Ариза тўлдирилганидан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан автоматик равишда “Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш” тугмачаси очилади;

**6.9.** Суғурта Шартномасининг томонлари Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта полиси олинганлиги суғурта Шартномаси (суғурта полиси)ни тегишли тарзда имзолаш деб ҳисобланишини тасдиқлайдилар;

**6.10.** Ушбу Офертани қабул қилиш ва суғурта Шартномасини тузиш санаси Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан Суғурта қилдирувчининг суғурта мукофотини тўлаганлиги тасдиқланган сана ҳисобланади;

**6.11.** Суғурталовчининг мажбуриятлари (суғуртанинг бошланиши) суғурта мукофоти тўланганидан сўнг кучга киради ва тўланган давр учун амал қилади.

## **VII. Суғурта шартномасининг бекор қилиниши ва тугатилиши**

**7.1.** Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолларда тугайди:

**7.1.1.** Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаганда;

**7.1.2.** Суғурталовчи суғурта шартномасида белгиланган суғурта пули миқдоридаги суғурта таъминотини тўлаш мажбуриятини бажарганда;

**7.1.3.** Жисмоний шахс бўлган Суғурта қилдирувчи қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз ёки ҳуқуқий муомалага лаёқати чеклаб қўйилган деб топилганда;

**7.1.4.** Суғурталовчи қонунда белгиланган тартиб ва қоидалар бўйича тугатилганда;

**7.1.5.** Суд қарорига кўра суғурта шартномаси ҳақиқий эмас деб тан олинганда;

**7.1.6.** Агар суғурта шартномаси/полисида битта Суғурталанган шахс назарда тутилган бўлса, мазкур Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс суғурта ҳодисасидан ташқари бошқа ҳолатларда вафот этган бўлса.

**7.2.** Томонлардан бири суғурта шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқса, бу тўғрисида иккинчи томонни 30 (ўттиз) кун аввал ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

**7.3.** Суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси шартларини бажармаганлиги сабабли Суғурталовчининг ташаббуси билан суғурта шартномаси муддатидан илгари бекор қилинса, суғурта мукофоти қайтарилмайди.

**7.4.** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

**7.5.** Суғурта шартномасини тузиш вақтида Суғурта қилдирувчининг қилаётган ишини аҳамиятига тушунмаганлиги ёхуд унинг фуқоролик лаёқати бўлмаганлиги ёки чекланганлиги кейинчалик, суғурта даврида маълум бўлса, суғурта шартномаси тузилган вақтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

## **VIII. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**8.1.** Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг ҳуқуқлари:

**8.1.1.** Суғуртага тегишли бўлган масалалар бўйича Суғурталовчидан суғурта шартномаси амал қилиш муддати ичида тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар олиш;

**8.1.2.** Суғурталовчини огоҳлантирган ҳолда суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;

**8.1.3.** Суғурта товонини олиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида бошқа шахсга ишончнома бериш;

**8.2.** Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг мажбуриятлари:

**8.2.1.** Суғурта шартномасини тузиш пайтида аризада кўрсатилаётган объект тўғрисида тўлиқ ва тўғри маълумот бериш;

**8.2.2.** Суғурта шартномасида белгиланган муддат ва тартибда ҳисобланган суғурта мукофотини (бадалини) тўлаш;

**8.2.3.** Ҳодиса рўй берганда барча керакли ҳужжатларни жамлаш ва Суғурталовчига ариза билан мурожаат қилиш.

**8.2.4.** Суғурталовчининг суғурта воқеаси юз бериш сабабларини ўрганишига ва/ёки етказилган зарарлар ҳажмини аниқлашига шарт-шароитлар яратиб бериш.

**8.3.** Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

**8.3.1.** Суғурта шартномаси тузишда автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускуналари бўйича берилган маълумотларни, шунингдек Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи томонидан суғурта шартномаси талаблари бажарилишини текшириш;

**8.3.2.** Ҳодиса юз берганда зарар билан боғлиқ қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш;

**8.3.3.** Ҳодиса содир бўлиши, унинг сабабларини тасдиқловчи керакли барча ҳужжатлар ва тўлиқ маълумотга эга бўлмагунча ҳамда воқеа юзасидан жиноий иш кўзғатилганида мутасадди ташкилотлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунга қадар суғурта қопламаси тўлашни кечиктириш;

**8.3.4.** Суғурта таваккалчилигининг даражаси ошишига олиб келадиган сабаблар ҳақида огоҳлантирилган тақдирда суғурта шартларини ўзгартириш.

**8.4.** Суғурталовчининг мажбуриятлари:

**8.4.1.** Суғурта шартномаси тузиш даврида Суғурта қилдирувчи/Наф олувчини ушбу Қоидалар ва суғурта шартлари билан таништириш.

**8.4.2.** Суғурта шартномасида белгиланган муддатда Суғурта қилдирувчи/Наф олувчига суғурта полисини тақдим этиш.

**8.4.3.** Суғурта товонини суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга ошириш.

## **IX. Суғурта қопламасини тўлаш шартлари ва тартиби**

**9.1.** Суғурта шартномасига асосан Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи ҳодиса юз бергандан сўнг, дарҳол бу ҳақида Суғурталовчини ёки унинг вакилини (72 соат ичида) хабардор қилиши керак.

**9.2.** Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи суғурта қопламасини тўлаш ҳақидаги аризасида қуйидагиларни кўрсатади:

- ҳодисанинг тавсифи ва санаси;

- Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг ҳодиса юз бергандаги хатти-ҳаракатлари;

- зарар миқдори ва Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг даъво қилаётган суғурта қопламасининг миқдори, тегишли рўйхат ҳамда суммаси кўрсатилган ҳолда;

- учинчи шахслардан зарар учун олинган товон миқдори (агар мавжуд бўлса).

**9.3.** Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи суғурта қопламасини тўлаш ҳақидаги аризасида қуйидаги ҳужжатларни илова қилиши шарт:

- суғурта полисининг асл нусхаси;

- Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролик паспорти, гувоҳнома ва бошқ.);

- етказилган зарарни баҳолаш ҳужжатлари;

- содир бўлган ҳодисани тасдиқловчи мутасадди ташкилотнинг маълумотлари ва бошқалар;

**9.4.** Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи суғурта шартномасида кўзда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганда етказилиши мумкин бўлган зарар миқдорини камайтириш учун мумкин бўлган чораларни кўришга мажбур.

**9.5.** Суғурта қопламаси Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг зарарни қоплаш ҳақидаги ёзма аризасига ҳамда тегишли орган ва ташкилотларнинг ҳужжатларига мувофиқ тўланади.

**9.6.** Агар суғурта ҳодисаси суғурта шартномасида кўрсатилган муддат давомида юз бергани тасдиқланса, суғурта қопламаси тўлаш учун тегишли тақдим этилган ҳужжатлар ўрганилиб, зарар суммаси аниқланади ва Далолатномада қайд қилинади. Ушбу Далолатнома Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчи/Наф олувчига суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурта товонини тўлашига асос бўлиб хизмат қилади.

Агар томонлар зарарнинг сабаби ва ҳажми юзасидан ўзаро келиша олишмаса, у ҳолда мустақил экспертиза ўтказилиши мумкин.

**9.7.** Агар Суғурталовчи суғурта шартномасининг амал қилиш даврида суғурта товонини тўлаган бўлса, суғурта шартномаси бўйича суғурта пули тўланган суғурта товони суммаси миқдорига камайтирилади. Бунда Суғурта қилдирувчи суғурта товони суммасига ҳамда суғурта шартномасининг қолган амал қилиш муддатига мутаносиб равишда суғурта мукофотини тўлаб қўйиши мумкин.

**9.8.** Агар зарар унинг сабабчиси томонидан бутунлай қопланган бўлса, у ҳолда Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи суғурта қопламасини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

**9.9.** Агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи зарар сабабчиси ёки учинчи шахслардан қоплама олган бўлса, Суғурталовчи фақат сабабчи ёки учинчи шахс томонидан тўланган қоплама билан суғурта шартномасига мувофиқ тўланиши керак бўлган пул ўртасидаги фарқни тўлайди.

**9.10.** Содир бўлган воқеа суғурта ҳодисаси деб тан олинганда ва суғурта қопламаси миқдори белгиланганда томонлар ўртасида суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома имзоланади.

**9.11.** Суғурта товонини тўлаш суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатнома томонлар ўртасида имзоланган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

**9.12.** Агар автотранспорт воситасига ўрнатилган газ ускунасининг йўқ бўлиши ёки зарарланиши жиноят натижасида юз берган ва бу жиноятни содир этган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, у ҳолда Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи/Наф олувчига суғурта қопламасини, айбдор шахсга берилган даъво регресси суд томонидан жиноий иш кўрилатилганда кўриб чиқилиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, тергов олиб борилаётган даврда ёки тергов тугагандан сўнг тўланиши мумкин.

**9.13.** Агар суғурта шартномасида франшиза назарда тутилган бўлса Суғурталовчи суғурта товонини суғурта шартномасида белгиланган франшизани ҳисобга олган ҳолда тўлайди.

**9.14.** Суғурталовчи суғурта товонини тўлаш ёки рад этиш тўғрисидаги қарори ҳақида Суғурта қилдирувчи/Наф олувчига у томонидан барча ҳужжатлар тақдим этилгандан бошлаб 15 кун мобайнида хабар бериши керак. Хабарномада рад этишнинг асослантилган сабаблари кўрсатилиши лозим.

**9.15.** Суғурталовчининг суғурта қопламасини ёки суғурта пулини тўламаслик ҳақидаги қарорига судга даъво аризасини берган ҳолда эътироз билдирилиши мумкин.

**9.16.** Агар суғурта шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, суғурталовчи натижасида қопланган Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг зарар келтирган шахсга бўлган даъво ҳуқуқи суғурта қопламасини тўлаган Суғурталовчига у тўлаган пул доирасида ўтади.

**9.17.** Суғурталовчига ўтган даъво ҳуқуқи Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи ва зарар учун жавобгар шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга асосан амалга оширилади.

**9.18.** Суғурталовчига ўтган даъво ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар, далиллар ва бошқа маълумотларни Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи Суғурталовчига тақдим этишга мажбур.

**9.19.** Агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи зарар учун жавобгар шахсга бўлган Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун даъво ҳуқуқидан воз кечса ёки унинг айби билан даъво қилишнинг иложи бўлмаса, Суғурталовчи суғурта қопламасини бутунлай ёки тегишли қисмини тўламаслик ва тўланган суғурта қопламасининг ортиқча қисми

қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## **Х.Томонларнинг жавобгарлиги.**

**10.1.** Олган мажбуриятларини бажармаганликлари ёки қоникарсиз бажарганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра жавобгарликка тортиладилар.

**10.2.** Суғурта мукофоти ўз вақтида тўланмаганда Суғурталовчи Суғурта қилдирувчидан кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган суғурта мукофотининг 0,1% миқдорида пеня олишга ҳақли. Пенянинг миқдори ўз вақтида тўланмаган суғурта мукофотининг 20% дан ортиши мумкин эмас.

**10.3.** Суғурта товони ўз вақтида тўланмаганда Суғурта қилдирувчи Суғурталовчидан кечиктирилган ҳар бир кун учун суғурта таъминотининг 0,1% миқдорида пеня олишга ҳақли. Пенянинг миқдори мазкур Қоидалар бўйича тўланадиган суғурта таъминотининг 20% дан ортиши мумкин эмас.

**10.4.** Агар тарафлардан бири мазкур суғурта шартномасига асосан қабул қилинган мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажаришдан асоссиз бош тортса, у рад этган сумманинг 15% миқдоридаги жаримани бошқа тарафга тўлайди.

## **ХI.Форс-мажор**

**11.1.** Форс-мажор ҳолатида томонлар суғурта шартномаси бўйича ўзларига олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.

**11.2.** Суғурта шартномасини бажарилишига бевосита таъсир этган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва ушбу шароитда кўзда тутилмаган табиат ҳодисалари ёки ижтимоий –иқтисодий ҳолатлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, давлатлараро ва давлат идораларининг чекловчи ва тақиқловчи чоралари, шунингдек ҳукумат қарорлари ва ҳоказолар) форс-мажор ҳолатига киради.

**11.3.** Форс-мажор ҳолатлари бошланганда ва тугаганда бу ҳақида томонлар бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар.

**11.4.** Агар форс-мажор ҳолатлари бошланса, томонларнинг мажбуриятларини бажариш муддати форс-мажор ҳолати тугагандан сўнг давом эттирилади.

## **ХII. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

**12.1.** Ушбу Қоидалар асосида амалга ошириладиган суғурта бўйича келиб чиқадиган барча низолар томонларнинг келишуви асосида, мақсадга эришилмаган ҳолда эса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда ҳал этилади.

**12.2.** Мазкур Қоидаларда қайд этилмаган ҳолатлар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосланадилар.

## **ХIII. Бошқа шартлар**

**13.1.** Суғурта шартномасини бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки суғурта шартномасининг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки суғурта шартномасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**13.2.** Суғурта шартномасини тузиш вақтида Суғурта қилдирувчининг қилаётган ишини аҳамиятига тушунмаганлиги ёхуд унинг фуқаролик лаёқати бўлмаганлиги ёки чекланганлиги кейинчалик, суғурта муддатида маълум бўлса, суғурта шартномаси тузилган вақтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.